# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 56 (8796).

12 март 1986 йил чоршанба

Баҳоси 3 тийин.


## ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

КПСС XXVII съезди бир овоздан тасдиқлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги таҳрирдаги Программасининг тексти китобча қилиб чиқарилди.

КПССнинг ҳозирги таҳрирдаги учинчи Программаси — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш асосида совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш Программасидир. Бу — тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш Программасидир.

Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган китобча Москвадаги «Красний пролетарий» босмахонасида нашр этилди.

(ТАСС).

## ИЗЛАНИШ НАТИЖАСИ 420 МИНГ СЎМ

ТОШКЕНТ область юк ташиш автомобиль трестида рационализаторлар ва ихтирочиларнинг каттагина группаси ижодий изланиш олиб бормоқда. Улар ўзларининг қимматли таклифлари билан ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, техника тараққиётига кўмаклашмоқдалар. Трестнинг барча бўлинмаларида транспорт воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, чиқимларни камайтиришга қаратилган таклифлар ҳар йили кўплаб давлат маблағини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Ишлаб чиқаришнинг бу тиниб-тинчимас жонкуярлари ўн биринчи беш йиллик давомида кенг кўламда техника ижодкорлиги билан шуғулланишди. Уларнинг ижодий фикр юритишлари учун қулай шароитлар яратиб берилди. Ишлаб чиқаришнинг такомиллашиши лозим бўлган муаммолари тематикаси белгилаб қўйилди. Рационализаторларга инженерлар, етук мутахассислар зарур бўлган ёрдамни кўрсатиб турдилар, у ёки бу муаммони ҳал қилиш йўллари ҳақида маслаҳатлар бериб боришди.

Шундай яқин ҳамкорликнинг самараси кўнгилдагидек бўлди. Аввало, рационализаторлар ва ихтирочилар сафи анча кенгайди. Улар қаторига янги транспортчилар келиб қўшилдилар. Шу туфайли изланувчилар сони 150 кишидан ҳам ошиб кетди. Рационализаторлардан тузилган муваққат ижодий бригадалар фаолияти яхши бўлди. Улар техникани тараққий эттириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган мураккаб муаммоларни ҳам муваффақиятли ҳал қила олдилар.

Ишлаб чиқариш новаторлари ўн биринчи беш йилликда таклифларни жорий қилиш ва иқтисодий фойда олиш юзасидан мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар. Улар сал кам бир мингта рационализаторлик таклифлари ва ихтиролар билан чиқишди. Бу ишлар трест транспортчилари фаолияти муҳим кўрсаткичларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди. Бундан жами кўрилган иқтисодий фойда миқдори 420 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Рационализаторлар ва ихтирочилар шу кунларда ҳам аниқ марраларни кўзлаб изланмоқдалар. Улар камида юз минг сўмлик давлат маблағини тежаш имконини берадиган таклифларни амалга ошириш ҳақида эл-юрт олдида берган ваъдаларини тўла бажаришга интилмоқдалар. КПСС XXVII съездининг тарихий қарорлари уларнинг бу эзгу ният йўлидаги изланишларига куч-қувват бахш этмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ, САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ — ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ!

## БИР-БИРИГА НАЗОРАТЧИ

ЎТГАН йилнинг бошларида Ҳалил акани совхоз партия комитетига чақириб қолишди.

— Қарийб 20 йилдан бери бригадага бошчилик қилиб келяпсиз, — деди унга партком секретари Э. Отажонов. — Бирон йил йўқки, планни тўлдирмаган бўлсангиз.

— Ҳаракатга қараб баракат дейишади,— жавоб қилди кекса пахтакор.

— Шунинг учун ҳам бу ерга таклиф этдик,— давом этди партком секретари.— Сиз изланувчансиз. Кўпгина янгиликлар ҳам далангиздан оммалашади. Шу боис 1985 йилдан бошлаб бригадангизни ишлаб чиқаришнинг янги усули бригада пудратига ўтказсак, деган таклиф бор.

Ҳалил ака бир оз ўйга толди. Очиғини айтганда ўзи бу ҳақда кўпдан бери ўйлаб юрарди. «Бўпти», — деди у дангал.

У тонгда бригаданинг дала шийпонига етиб келди. Коллектив аъзоларига фикрини айтди. Ҳамма бажонидил ишни янгича ташкил этишга рози бўлди. Бошланиши ёмон бўлмади. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш юрита бошлади. Эндиликда бирор тадбирни амалга ошириш керак бўлса илгаригидек бригада бошлиғининг қаттиқ назорати шарт эмас. Бу ерда ҳамма бир-бирига назоратчи. Сифат учун бирдек жавобгар. Энг муҳими ишга сабабсиз чиқмаслик ёки кечикиб қолиш ҳолларига барҳам берилди.

Эндиликда бригада бошлиғи етиштирилаётган пахтанинг таннархини пасайтириш, сарф-харажатларни камайтириш йўлларини изламоқда. Бунда аввало ички имкониятлар ҳисобга олинмоқда. Масалан, экиш пайтида ҳар гектар ерга 80 килограмм ўрнига 60 килограммдан уруғлик чигит сарфланди. Агар илгарилари йиғим-терим мавсумида четдан юзлаб ҳашарчи жалб этилган бўлса, эндиликда улардан воз кечилди. Шунинг ўзиёқ бригадага 13—15 минг сўмни тежаш имконини берди. 1985 йилда ҳамма ҳосил бригада аъзоларининг ўз кучлари билан териб олинди.

Умуман, нарядсиз ишлаш туфайли пахта етиштириш учун планлаштирилгандан анча кам харажат қилинди. Шу бўлимдаги ер, сув шароити бир хил бўлган Д. Гайдаров бошлиқ бригадада йиллик даромад 160 минг 251 сўмга тўғри келган бўлса, Ҳалил ака бригадасида бу кўрсаткич 281 минг 379 сўмга етди. Йил охирида эса сифатли пахта топширилганлиги учун 37 минг 295 сўм қўшимча даромад олинди. Ҳар бир кишининг ойлик маоши ўртача 233 сўмни ташкил этди.

Бригада деҳқонлари 1986 йилни ҳам яхши бошлашди. Улар қиш фаслини ҳам иш фаслига айлантириб, белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга эришмоқдалар. Ҳозиргача чуқур ҳайдаб қўйилган далалар маҳаллий ўғитга тўлдирилди. Арик-зовурлар тозалаб қўйилди. Техникалар мавсумга шай. Бу ишларни бажаришда коллективнинг Комила Тўртбоева, Ҳабиба Фозилова, Садри Биналиев, Тоғабой Хўжабоев сингари ишчилари барчага ибрат бўлишмоқда.

— Съездлар йилида белгилаган марраларимиз янада юксак,— дейди Ҳалил Иброҳимов.— Биз ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга, давлатга фақат юқори сифатли пахта топширишга аҳд қилдик.

Т. ҚОСИМОВ,
Пискент районидаги «Пискент» совхози.

### ҚИШЛОҚДА БРИГАДА ПУДРАТИ

## ПАРТИЯ ТУРМУШИНИНГ ҚОНУНИ

КПСС Устави — партия турмушининг қонунидир. Устав қоидаларини янги таҳрирдаги КПСС Программаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий доклади қоидаларига мувофиқлаштириш — Уставга киритилган ва съезд тасдиқлаган ўзгартишларнинг асосий мазмунидир. 10 март куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида шу нарса уқтириб ўтилди. Конференция КПСС Уставига бағишланди.

Матбуот конференциясида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими консультантлар группасининг раҳбари И. А. Швец сўзга чиқди. КПСС Программаси ва Устави партиянинг бутун фаолиятига асос бўладиган ҳужжатлардир, деб таъкидланди. Бу ҳужжатлар съездда бир вақтнинг ўзида қабул қилинганлиги чуқур маънога эгадир. Уставдаги ўзгартишлар партияни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга, унинг барча бўғинларида иш савиясини оширишни таъминлашга ва пировард натижада — партиянинг совет жамиятидаги раҳбарлик ролини ошириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Уставда партиянинг синфий табиати ўзгармаслиги мустаҳкамлаб берилганлиги, партиянинг ташкилий тузилиши ва бутун фаолияти ленинча принципларининг бузилмаслиги тасдиқланганлиги муҳимдир. Партиямизнинг Устави асосланадиган мана шу принциплар ўзгармайди. Улар партия фаолиятининг ҳозирги босқичига, партия тараққиётининг янги босқичига татбиқан янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди. КПСС ленинча принципларга содиқликни, партия турмуши нормаларига изчил риоя этишни ўзининг бутун фаолияти муваффақиятининг ҳал қилувчи омили, деб билади.

Уставга киритилган ўзгартишлар партия ички ҳаётида, унинг иш методларида демократизмни янада чуқурлаштиришга, партиянинг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга, коммунистларнинг, партия ташкилотларининг умумий иш учун масъулиятини оширишга хизмат қилиши лозим.

Нотиқ Уставга киритилган баъзи ўзгартишларни таърифлаб, принципиал томондан муҳим жиҳатни уқтириб ўтди: бу ўзгартишлар СССР Конституциясига мувофиқ партиямизнинг совет жамияти ҳаётидаги роли ва ўрнини янада тўлароқ акс эттириб, унинг интернационал характерини очиб беради.

Партияга аъзо бўлиш тўғрисидаги масала — партия қурилишининг туб масаласидир. Уставга киритилган ўзгартишлар партияга аъзо бўлиб кирувчи кишиларга нисбатан талабчанликни, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш жараёнида КПСС ўртага қўяётган вазифаларни ҳал этиш учун уларнинг масъулиятини оширади. Одатдагидек, партияга янги аъзолар партиясизлар иштирокида очиқ партия йиғилишларида қабул қилинади. Шундай практикага кўпдан бери амал қилинмоқда, эндиликда у Уставда мустаҳкамланди. Бу — партиямизнинг чуқур демократизмидан, унинг ўз составини шакллантиришда ҳам халқ билан, партиясизлар билан маслаҳатлашишга интилаётганлигидан далолат беради.

Партия аъзосининг вазифалари тўғрисидаги қоидага ҳам муҳим ўзгартишлар киритилди. Бу ўзгартишлар мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда коммунистларнинг роли ва масъулиятини янада оширишга қаратилган.

КПСС Уставига киритилган ўзгартишларнинг катта қисми партия фаолиятини ташкил этишнинг демократик принципларига тааллуқлидир. Эндиликда демократик централизм партия бутун турмуши ва фаолияти ташкилий тузилишининг раҳбарлик принципи эканлиги тўғрисидаги қоида Уставда янада тўлиқ ифодалаб берилган.

Бир қанча ўзгартишлар киритилган бўлиб, улардан кузатилган мақсад — КПСС турмушининг демократик асосларини янада ривожлантиришдан иборатдир. Аввало бир қанча ўзгартишлар барча партия органларининг ишида коллективчилик принципини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Коллектив раҳбарлик топширилган иш учун шахсий жавобгарликни, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир ходимнинг фаолияти устидан доимий контролликни назарда тутувчи қоида Уставга киритилган. Партия, унинг барча раҳбар органлари, ҳамма партия ташкилотлари ишидаги коллективчиликни янада ривожлантиришга қаратилган бу йўл Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида, янги таҳрирдаги КПСС Программасида аниқ-пухта амалга оширилган. Бу йўл Уставда ҳам мустаҳкамланган.

Бошланғич партия ташкилотлари — партиянинг негизидир. Ҳозир 440 мингдан кўпроқ бошланғич партия ташкилоти бор. Янги вазифаларга мувофиқ Уставда бошланғич партия ташкилотларини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлаш, социалистик мусобақани авж олдириш вазифаларини яна ҳам активроқ ҳал этишга йўналтириш мақсадида уларнинг асосий вазифалари ва бурчлари Программа талаблари руҳида яна ҳам тўлиқроқ таърифланиб, аниқлаб берилган.

Уставга маҳаллий партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари фаолиятига тааллуқли ўзгаришлар киритилган. Бу ўзгаришлар партия органларини партия ишининг услуб ва методларини муттасил такомиллаштириб боришга йўллайди.

Партия XXVII съезди тасдиқлаган КПСС Уставига «Партия ва давлат, жамоат ташкилотлари» бўлими киритилган. Шу бўлимда партия ўзининг ана шу ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини қандай қуриши, уларга раҳбарликни қандай амалга ошириши хусусидаги принципиал қоида таърифланади. Оммавий ташкилотларга партия раҳбарлиги — сиёсий раҳбарлик бўлиб, барча партия ташкилотлари бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг ишини такрорламай, уларнинг ўрнини олмай СССР Конституцияси доирасида иш олиб боришлари таъкидланди. Ана шу ташкилотларга партия раҳбарлигининг асосий мақсади эълон қилинади. Бу мақсад уларнинг ўз активлигини мумкин қадар кўпроқ ривожлантиришга, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳар бири ўз вазифаларини тўла ҳажмда бажаришига кўмаклашишдан иборатдир.

Партия ўз резерви ва ишончли ёрдамчиси — Ленин комсомолининг фаолиятини яхшилашга катта аҳамият бермоқда. Коммунистик қурилишда, ёшларни тарбиялашда, янги авлодни камол топтиришда комсомолнинг активлигини янада ривожлантиришга қаратилган йўл партия Уставида янада тўлиқ акс эттирилган.

Коммунистнинг авангардлик роли ўз-ўзидан бўлмаслиги, бундай роль амалий ишларда ўз ифодасини топиши матбуот конференцияси чоғида таъкидлаб ўтилди. Коммунистнинг биргина имтиёзи бор. У ҳам бўлса олдинда бўлиш, ҳар нарсада — ишда ва хулқ-атворда ўрнак кўрсатишдир. Барча коммунистлар учун бир хил бўлган партия интизоми тўғрисидаги талаблар Уставда мустаҳкамланган. Бундай интизом ўзаро талабчанликни, кадрларнинг масъулиятини, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун, сўз билан ишнинг бирлиги учун тинимсиз курашни тақозо этади.

Журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоблар қайтарилди.

(ТАСС).





● ЯНГИЙЎЛ районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг Б. Азимов бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил 50 гектар майдонда мўл, эртаги пахта етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Кўкламги чигит экишга тайёргарлик кун сайин кучайтирилмоқда. Айниқса, ерда намни сақлаб қолишга катта аҳамият берилаётир. Суратларда: (чапда) бригаданинг илғор механизатори К. Остонақулов. У кунлик топшириқни ортиғи билан бажармоқда. Ҳар куни 10 гектардан ортиқ ерни барона қилмоқда (ўнгда).

А. Зуфаров фотолари.

## ИШ ҚИЗҒИН

БЎСТОНЛИҚ районидаги «Новгород» совхози далаларида эртаги экинлар экиш қизғин. Деҳқонлар тўққиз гектар майдонга картошка уруғи қадаб, 95 гектарга пиёз сепиб қўйдилар. 138 гектар майдондаги токлар очилиб, симбағазларга кўтарилди. Шу кунларда мевали дарахтларга шакл бериляпти. Қуриб қолган дарахтлар ўрнига янги кўчатлар ўтқазилмоқда.

Хўжалик миришкорлари съездлар йилида 15 минг тупдан зиёд олма, шафтоли ниҳоллари экиб, янги боғ барпо этишни, ариқ-зовурлар ёқасига 50 минг туп тут кўчати қадашни мақсад қилиб қўйганлар.

М. МИРСУЛТОНОВ.

## ОММА ОНГИГА ЕТКАЗАЙЛИК

### *ОБЛАСТЬ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ*

11 МАРТ куни Тошкент область партия комитетида область идеология ходимларининг КПСС XXVII съезди материалларини тушунтириш ва пропаганда қилишга бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, идеология муассасалари ва оммавий ахборот ҳамда пропаганда воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда съезд материалларини кенг пропаганда қилиш, унинг стратегик йўл-йўриқларини чуқур ўрганиш ва тушунтириш, область коммунистлари, барча меҳнаткашларини съезд қарорларини бажаришга сафарбар этиш юзасидан ишни кенг кўламда актив олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозир энг муҳими съезд қарорлари маъноси ва ғоясини ҳар бир киши онгига сингдиришдир. Унинг принципиал қоидаларини тушунтирибгина қолмай, шу билан бирга ҳозирги талабларга мувофиқ ишни амалий жиҳатдан ташкил этиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади қоидаларини, съезднинг бошқа ҳужжатларини меҳнат коллективларида, ўтказиладиган семинарларда, конференцияларда, идеология активи мактаблари машғулотларида кенг тушунтириш учун етакчи олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг ходимларидан иборат катта малакали лекторлар группаси тузилди. Улар область шаҳарлари ва районларида сўзга чиқадилар, суҳбатлар ўтказадилар.

КПСС XXVII съезди делегатларининг агитация-пропаганда ишида бевосита ва актив иштирок этишларини таъминлаш керак. Ҳамма жойда уларнинг меҳнат коллективлари билан учрашувларини ташкил этиш лозим.

Партия комитетлари, идеология фронти ходимлари шуни аниқ тушуниб олишлари керакки, съезд томонидан қабул қилинган партия ҳужжатларининг ҳар бир сатри мазмунини кишилар онгига етказибгина қолмай, шу билан бирга ўзларининг тарғибот ишларини съезд қарорлари асосида қайта қуришлари керак, токи барча меҳнаткашлар мазкур қарорларни тўғри ва чуқур тушуниб олсинлар. Бунда кишиларнинг конкрет ишлари тарғибот марказида турмоғи, идеологик ишнинг «умумийлиги» эмас, унинг иложи борича аниқлиги, ижодий тарғиб қилиниши ғоят муҳимдир.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари олдида катта вазифалар турипти. Газеталар, телевидение ва радио партия қарорларининг ҳақиқий тарғиботчилари бўлишлари керак. Уларнинг иши чуқур ўйлаб ташкил этилган, оператив, кенг қамровли бўлса шунча яхши самара беради. Бу иш аниқ мақсадни кўзлаб ташкил этилиши лозим. Барча социал-маданий муассасалар асосий эътиборни инсонга қаратишлари лозим, токи улар совет кишисининг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондирсинлар.

Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари қўполлик, лоқайдлик, меҳнаткашлар эҳтиёжларига бефарқ ва расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, социал адолатнинг ҳар қандай бузилиши фактларига қарши муросасиз кураш олиб боришлари лозим.

КПСС XXVII съезди материалларини пропаганда қилишда барча идеология кадрлари юксак масъулиятни ҳис этишлари, хотиржамликка берилмай ҳамиша ижодий изланишлари зарурлиги кенгашда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари, КПСС XXVII съезди делегати Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

## ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Ҳиндистон Коммунистик партияси XIII съездида қатнашиш учун Деҳлига кетаётиб Тошкентда тўхтади. Делегация составида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими сектори мудири П. В. Куцобин бор.

Делегация аъзолари Тошкентда бўлган вақтларида янги телевизион минора комплексини бориб кўрдилар, Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимонзорида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Тошкент аэропортида КПСС делегациясини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Ғ. Ҳ. Қодиров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ҲАЁТГА!

# ЖАДАЛЛАШТИРИШ, САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ— ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ!

## КОМСОМОЛ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

**БУГУН ОБЛАСТИМИЗНИНГ БИР ГРУППА КОМСОМОЛ-ЁШЛАРИ БАМГА ВА РСФСРНИНГ НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАСИНИ ЎЗЛАШТИРИШГА ЖЎНАБ КЕТАДИЛАР**

БАМга, РСФСРнинг Калинин областига жўнаб кетаётган областимиз комсомол-ёшлар отрядларига «КПСС XXVII съезди» номи берилди. Ёшлар ана шу съезд қарорларини амалга оширишда ҳамиша олдинги сафда бўлишга аҳд қилганлар.

Биз БАМга отланган 25 нафар йигит-қиз даврасидамиз. Улар орасида машинист ва қурувчини ҳам, энергетик ва пайвандчини ҳам, хуллас ҳамма касб эгаларини кўриш мумкин. Олимжон Иброҳимов уларнинг бири. У бир неча йил Иваново областида янги ерларни ўзлаштиришда қатнашган. Мана энди БАМга жўнаб кетмоқда.

— Ҳозир уйланганман. Фарзандимиз ҳам бор, — дейди у, — оилавий яшашга шароит бўлса уларни ҳам чақириб оламан.

— Чақириб олишингизга ишончим комил, — деди «Узангарстрой» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. Трегубов. — БАМда комсомолга хос ғайрат билан ишлашга ҳам, самарали меҳнатга яраша дам олишга ҳам шарт-шароитлар яратилган. Маданият уйи, кинотеатр, спорт комплекси мавжуд. Бизнинг бошқарма БАМда Тайшетдан Ленагача бўлган трассада иккинчи темир йўл линиясини, шу билан бир қаторда электр станция, турар-жойлар, маданий-маиший муассасалар, хуллас кўплаб объектларни бунёд этади. Бошқармамиз Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлган, Сибирда донғи чиққан коллективлардан биридир.

П. Маскаев «Узспецкоммунэнерго» бошқармасида монтажчи, С. Афанасьев «Тошкент» депосида машинист ёрдамчиси бўлиб ишлашган. Улар БАМда ўз касблари бўйича меҳнат қиладилар. Касб-кори тўғри келмаганлар эса бошқарма ҳузуридаги ўқув комбинатида танлаган ихтисосликлари бўйича билим оладилар, сўнг ишга йўлланма берилади.

Калинин областига жўнаб кетишга аҳд қилганлар даврасида шўх кулгу кўтарилди. Топиб-топиб гапириб, ўртага иллиқлик солаётган, шу кунгача «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тўқувчи бўлиб ишлаб келган Ирина Мотузенкодан бу отрядга ёзилиш сабабини сўраймиз.

— Ҳар бир даврнинг ўз магниткалари, Днепр ГЭС ва Турксиблари бор, — деди у. Мен дугоналарим билан Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга қарор қилдим. Область ленинчи ёшлари ишончини меҳнатим билан оқлайман.

Александр Ворокасов ҳам отряддошининг фикрини маъқуллайди. У анчадан бери комсомол йўлланмаси билан зарбдор қурилишларга бориб ишлашни қалбига тугиб қўйган эди. Турмуш ўртоғи Людмила Савенкова ҳам якдил бўлди. Александр токарлик касбига эга. Людмила эса Янгийўлдаги САИМЭда техник бўлиб ишлар эди. Улар ҳар қандай оғир участкада ишлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ҳамюртларимиз Калинин областида бунёдкорлик ишларида қатнашишади. Бир группа ёшлар эса янги совхозларни ўзлаштиришда иштирок қилади.

Областимиз ленинчи ёшлари фақат республикамиздагина эмас, иттифоқимиздаги зарбдор қурилишларда ҳам жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Айниқса, давримизнинг улкан бунёдкорлик майдонлари ҳисобланган БАМ қурилишлари, Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга ҳар йили неча юзлаб тошкентликлар қалб амри билан бориб, меҳнат намуналарини кўрсатишаяпти. Бугун яна 50 нафар оловқалб йигит-қиз улар сафига қўшилади.

Б. ПЎЛАТОВ.

● Суратда: мамлакатимизнинг зарбдор объектларига отланган бир группа комсомол-ёшлар.

Е. Ботиров фотоси.



> **Транспортнинг асосий вазифалари — халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида сифатли ва тўла қондиришдан, транспорт ишининг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат.**
>
> (СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларидан).

## БИРЛАШМАНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи доим республикамиз пойтахти аҳолиси хизматида бўлмоқда. Транспортчилар меҳнаткашларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишаяпти. Зиммаларидаги вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилиб ишлаётганликлари туфайли ҳам давлат планларини муттасил ошиғи билан бажармоқдалар.

Улар ўн биринчи беш йиллик ва унинг якунловчи йилида ҳам самарали ишладилар. Шу давр мобайнида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришганликлари учун республика социалистик мусобақасининг ғолиблари сафидан ўрин олдилар. Бошқарма коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Албатта, коллектив бундай таҳсинга осонликча муяссар бўлмади. Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларнинг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятини оширишга қаратилган кўплаб чоралар кўрилди. Ҳар бир транспортчининг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги кучайтирилди. Ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш формалари такомиллаштирилди. Социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралиги таъминланди, таъсирчанлиги оширилди.

Бу туфайли ҳам ўн биринчи беш йиллик плани муддатидан бир ой илгари тўла бажарилди. Қўшимча 23,5 миллион йўловчига хизмат кўрсатилди. Биргина ўтган йили транспортчилар хизматидан қўшимча баҳраманд бўлган меҳнаткашлар 6,2 миллион кишини ташкил этди. Коллективнинг бундай муваффақиятларига 1- ва 2-трамвай деполари, 1-троллейбус депоси ишчи-хизматчилари муносиб ҳисса қўшдилар. Вагон-ремонти заводи коллективининг ҳам улуши салмоқли бўлди. Улар йил давомида салкам 250 та трамвай ва троллейбусни ремонтдан чиқардилар. Пландагидан ташқари 33,3 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди.

Коллектив эришган ютуқлар салмоғининг ортишида тажрибали транспортчилар улуши катта бўлди. Моҳир ҳайдовчилардан Галина Баландина, Татьяна Марченко, Илёс Рўзиев, Эргаш Ниёзалиев, Неъмат Аҳметов, Тамара Кисилёва, Қардош Алимбоев ва бошқа шу кабилар ишда фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бой тажрибаларини ёш ҳамкасбларига ўргатиб, уларнинг ҳам илғорлар сафига ўтиб олишларига кўмаклашмоқдалар.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида транспорт ишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатаётган коллективлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Улар хизмат маданиятини ошириш имконини берадиган резервларни ишга солишлари керак. Шу нуқтаи назардан қараганда трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида талайгина фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам бор.

Яна шуни айтиш керакки, коллектив ишидаги камчиликлар ҳали барҳам еганича йўқ. Биргина ўтган йили транспорт хизматининг ёмонлиги ҳақида 200 дан ортиқ шикоят тушди. Трамвай ва троллейбусларнинг техникавий қарови ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтган йили йўлга чиққан трамвайлар техникавий носозлиги оқибатида 145 марта депоға қайтиб келди. Вагонларнинг рельсдан чиқиши, контакт симларининг узилиши каби ҳоллар ҳамон давом этмоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя қилмаслик, прогуллар тўла бартараф этилганича йўқ.

Ишни яхшилаш учун бу ва шунга ўхшаш бошқа нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни зудлик билан амалга ошириш талаб этилади. Бу йил бирлашма коллективи 250 миллион нафардан зиёд йўловчига хизмат кўрсатишга аҳд қилган. Бунинг учун кўплаб ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Мавжуд электр транспорти воситаларидан фойдаланиш яхшиланади. Ўн иккинчи беш йиллик давомида 21 километр узунликда трамвай, салкам 32 километр узунликда троллейбус линиялари қурилади. Қатор ёрдамчи подстанциялар, деполар ҳам ишга тушади. Ҳаракат составларининг тезлиги ортади. Беш йил давомида янги 230 та троллейбус ва 160 та трамвай олинади.

Бирлашма коллективи бу йил аниқ марраларни кўзламоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш йиллик планини барвақт адо этиш юзасидан зиммасига олган мажбуриятини тўла бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам йилнинг ўтган икки ойи дуруст якунланди. План ортиғи билан адо этилди. Транспортчилар эришилган иш маромини бир зум ҳам бўшаштирмаяптилар.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ,**
**кўпнусхали «Мотор» газетасининг редактори.**

## ҲАММАГА БИР ХИЛ ТАЛАБ

> **Партия белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни инсон омили ролининг оширилиши билан боғлайди. Социалистик жамият ҳамма соҳаларда омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги-янги йўлларини топмасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди. Тарихий мақсадлар кўлами қанчалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида хўжайинларча манфаатдорлик, масъулият билан, онглилик билан фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир.**
>
> (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасидан).

*ИНСОН ОМИЛИ*

Комбинат партия комитети ҳузурида ташкил этилган бу галги давра суҳбатига раҳбардан тортиб оддий ишчигача таклиф қилинди. Унда КПСС XXVII съезди қўйган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ички имкониятларни қидириб топиш ва ишга солишда инсон омили ролини ошириш бўйича қизиқарли баҳс бўлди.

Суҳбатни комбинат партия комитетининг секретари У. Султонова бошқариб борди. У КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида, партиямизнинг куни кеча ўз ишини муваффақиятли якунлаган XXVII съездида инсон омили ролига берилган баҳони атрофлича шарҳлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорлари асосида комбинатда ишчи ва хизматчиларнинг ижодий активлигини оширишга эътибор яна ҳам кучайди. КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақа ҳар бир тўқувчи инженер-техник ходим нималарга қодир эканлигини намойиш этди. Меҳнат коллективларининг унумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилди. Натижада ишлаб чиқаришда қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса съезд кунлари ишчилар юқори кўрсаткичларга эришдилар. Комбинатда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича февраль ойи плани анча ортиғи билан адо этилди. Планга қўшимча 136 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Давра суҳбатида инсон омили ролини ошириш туфайли қўлга киритилган ютуқлар алоҳида тилга олинди. Айни пайтда йиғилганлар эътибори йўл қўйилган камчиликларга, мавжуд резервларга қаратилди. Сўзга чиққан ишчилар ва инженер-техник ходимлар кўрсаткичларни янада яхшилашга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташладилар.

— Мен маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар кўрилишини истайман,— деди пардозлаш фабрикаси бригада бошлиғи М. Соловьева.— Цехлардаги кўпгина дастгоҳлар эндиликда талабга жавоб бермаяпти, вентиляция бир маромда ишламайди. Янги техника ва технологияни жорий этиш йўли билан маҳсулот сифатини анча ошириш мумкин. Биз маҳсулот сифатини яхшилаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш юзасидан ташаббус бошладик. Шу мақсадда меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамламоқдамиз. Йил бошидан бери бирорта ҳам прогул бўлмади. Бу пудрат усули самарасидир. Агарда янги усул барча участкаларда жорий этилса ишчилар устидан назорат яна ҳам кучаяди, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

Давра суҳбатида 1-йигирув-тўқув фабрикаси мастер ёрдамчиси Д. Тўйчиева ҳам ўз коллективида туғилган янги ташаббус ҳақида сўзлаб берди.

— Моддий ресурсларни тежаган ҳолда ускуналардан имкони борича унумли фойдаланиш учун кураш бошладик,— деди у.— Бу ташаббус меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини беради. Ускуналардан самарали фойдаланаётган тўқувчилар ён-атрофимизда оз эмас. КПСС XXVII съезди делегати Евгения Губина ҳозир пландаги 23 ўрнига 52 станокка хизмат қилаяпти. Шу тариқа у бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарди. Ҳозир 1991 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Бундай новаторлар тажрибаси биз учун катта мактабдир. Участкамиз ишчилари илғор тажрибаларни қўлланиш, бор имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига йиллик планни сентябрь ойида бажаришга қарор қилдилар.

— Ишлаб чиқаришда инсон омили ролини ошириш учун энг аввало одамларнинг кайфиятини кўтариш, уларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат кўламини кенгайтириш лозим бўлади,— суҳбатга қўшилди тўқувчи Т. Председателева.— Кейинги пайтларда ошхона иши тартибга тушиб қолди, маиший шароитлар яхшиланди. Энди цехларда ишлаб чиқариш эстетикасини жорий этиш пайти келди. Тувакларда гуллар яшнаб турса, юмор бурчаклари ташкил этилса, қандай яхши. Уларга қараб кўз қувнайди, дил яйрайди. Қайфият яхши бўлса иш ҳам унумли бўлади.

Давра суҳбатида яна кўпгина фикрлар ўртага ташланди. Энг аввало ўрта бўғин кадрлари активлигини ошириш лозимлиги уқтирилди. Айрим ҳолларда мастерлар турли хил хом ашёлар учун қўшни шаҳарларга командировка қилинмоқда. Чунки таъминотчилар ўз вазифаларининг уддасидан чиқа олмаяптилар. Агар ҳар ким ўз ишини билиб қилса, вазифасига виждонан ёндашса, ишлаб чиқаришда ҳеч қандай узилишлар содир бўлмайди. Бунинг учун комбинат партия комитети, цех партия бюролари топширилган иш учун кадрлар масъулиятини оширишлари лозим.

Суҳбат қатнашчилари инсон омили ролини ошириш ҳар бир жамоат ташкилотига даҳлдор эканлигини ҳам уқтирдилар. Шу мақсадда касаба союз ва комсомол ташкилотлари фаолиятларини жонлантиришлари керак. Комбинат ишчиларининг қарийб барчаси касаба союз аъзосидир. Цехларда ишлаётган комсомол йигит-қизлар сони йил сайин ошиб бораяпти. План топшириқларининг бажарилишида улар ҳиссасини бутун чоралар билан кўпайтириш керак. Давра суҳбатида сўзга чиққан кишиларнинг бу соҳада билдирган кўпгина мулоҳазалари ўринлидир.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия комитети эндиликда бу таклиф ва мулоҳазалар асосида зарур тавсиялар ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш устидан қатъий назорат ўрнатиши керак.

**Ж. НОСИРОВ.**

> **Мамлакатда амалга оширилаётган умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти ягона меҳнат политехника мактаби тўғрисидаги ленинча принципларни ижодий ривожлантиришга асосланган бўлиб, ёшларга таълим ва тарбия бериш савиясини янада юқори кўтаришга, уларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлашни яхшилаш, аста-секин умумий профессионал таълимга ўтишни амалга оширишга қаратилгандир.**
>
> (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасидан).

## ЎҚИТИШ СИФАТИ БИЗГА БОҒЛИҚ

**МАКТАБ ИСЛОҲОТИ АМАЛДА**

Мактабимизда ислоҳот бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, база корхоналаримиз бўлмиш — Олмалиқ мармар заводи, Рух заводи коллективлари билан ҳамкорликда қилаётган ишларимиз яхши самаралар бераяпти. Бу корхоналар ўқувчиларимизнинг меҳнат таълими олиши учун шароит яратиб бераётирлар. Мактабимиз қошида устахоналар очилишига бош-қош бўлаяптилар.

Бундан ташқари шаҳримиздаги 8-, 13-, 17-, 26-ҳунар-техника билим юртларининг вакиллари ўқувчилар ҳузурида тез-тез бўлиб, касб танлаш хусусида турли суҳбатлар уюштирмоқдалар.

Ёшларни интернационал дўстлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Мактабда интернационал дўстлик клуби ташкил қилинган. Клубнинг ёзишмалар бўлими аъзолари турли шаҳарлардаги тенгқурлари билан мактублар алмашиб туришса, қизиқарли учрашувлар бўлими чет элда бўлиб қайтган одамлар билан суҳбатлар уюштиради. Масалан, ГДРда сафарда бўлган Р. Юн, Н. Калимулина, Венгрияда бўлган Т. Валеева, Кубадан қайтган Н. Требуховалар мазкур учрашувларда сафар давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Ўсиб келаётган авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мактабнинг роли, айниқса, катта. Кўп йиллар давомида бизнинг «Зарница» отрядларимиз Бутуниттифоқ ва республика финалларида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Хоҳлаган ўқувчингиздан сўрасангиз, у ўзининг «Зарница» қатнашчиси эканлигини ва бу билан фахрланишини айтади.

Умуман, таълим-тарбия ишида тор программа билан чекланиб қолмасликка интиляпмиз. Машғулотларимиз оддий дарслардан тубдан фарқ қилади. Мунозарали, лекцияли, маълум тарзда театрлаштирилган, ҳаттоки концерт тарзидаги дарсларимиз бор. Ҳар бир дарсни ўқувчилар учун мароқли, эсда қоладиган, уларни чарчатиб қўймайдиган қилиб ўтказишда методист-ўқитувчи Е. Юсупова, катта ўқитувчилардан Н. Терпугова, В. Богданова, Н. Суховалар бошқаларга ўрнак бўлаётирлар. Ёш ўқитувчилар Л. Иванова, Н. Белоусова, О. Почекутова, С. Ким ва мен мураббийларимиз бўлмиш тажрибали педагогларнинг дарсларига тез-тез кириб турамиз. Улардан мазмунан бой ва мароқли машғулотлар ўтказиш санъатини ўрганамиз.

Тўғри, мактабимизда ислоҳот бўйича ҳамма ишлар силлиқ бораяпти, деб бўлмайди. Бизнинг ҳам ўзимизга яраша муаммоларимиз бор. Мазкур ўқув йилидан бошлаб, 6 ёшлиларни биринчи синфга қабул қилдик. Улар 11 йил ўқишади. Янги ўқув йилида яна иккита ана шундай синф очишни мўлжаллаяпмиз. Аммо, бунга мактабимиз торлик қилиб қолаяпти. Қўшимча синф хоналари қурилиши ҳақида ўйлаш ва уни тезда амалга ошириш лозим. Умуман, мактабимиз анча эскириб қолган. Унинг қатор жиҳозларини бугунги талаблар даражасида янгилаш лозим.

Микрокалькуляторлар билан таъминланган янги синф хонаси ташкил қилдик. Энди уни «Агат» системасидаги ҳисоблаш техникаси билан жиҳозлаш керак.

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, кўпгина синфлар телевизорлар билан таъминланган. Шунинг учун ҳам телевидение орқали берилаётган ўқув кўрсатувларидан унумли фойдаланиш имкониятига эгамиз. Аммо, кўп ҳолларда бу эшиттиришлар, айниқса, тил-адабиёт бўйича олиб борилаётган машғулотлар мактаб ўқув соатларига мос тушмаяпти. Улар аксарият кечқурун эфирга чиқади. Телевидение эшиттиришларини программалаштирувчи ўртоқлар шу ҳақда ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

**Н. БЛИНОВА,**
**Олмалиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси.**



● **ЧИНОЗ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида илғор коллективлар ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб Рустам Аҳмедов бригадасини тилга олишади. Бу илғор, аҳил коллектив КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган зарбдор ўн кунликларда доим пешқадамлар сафида бўлди. Бригада аъзолари кунлик нормаларини мунтазам ошириб бажаришга одатланишган. Суратда: Р. Аҳмедов етакчилигидаги бригада аъзолари смена олдидан йиғилиш ўтказиб, кунлик иш режаларини белгилаб олмоқдалар.**

В. Зоткин фотоси.

*Маҳаллий советларда семинар кенгашлар*

## ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети Орджоникидзе, Пискент ва Янгийўл районларида областдаги қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ва секретарларининг зонал семинар-кенгашларини ўтказди. Бу семинар-кенгашлар мавзуси қуйи давлат ҳокимият органларининг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланди.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосарлари О. Айдаков ва Н. Гусаков ўртоқлар сўзга чиқдилар. Семинар-кенгашларда ижроия назорат қилиш ва иш юритишни янада яхшилаш, бюджет маблағларидан тўғри ва тежаб-тергаб фойдаланиш, тегишли Совет территориясида жойлашган барча хўжаликлар раҳбарларининг Ўзбекистон ССР Ер кодекси, аҳоли пунктларини қуриш ва архитектура кўринишини планларига риоя қилишлари ва бошқа бир қатор масалалар тўғрисида фикр юритилди.

Семинар-кенгашлар ишида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми, республика Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг масъул ходимлари, район партия комитетларининг секретарлари ва район ижроия комитетларининг раислари, областдаги халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг ва область ижроия комитети аппаратининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

## КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» ва «Қорақалпоғистон» нашриётлари СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. И. Рижковнинг 1986 йил 3 март куни Кремлнинг съездлар саройида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС XXVII съездига қилган докладини рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида алоҳида китобча қилиб чиқарди.

Китобча Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида ва Нукус полиграфия комбинатида кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

# ҲИСОБ-КИТОБ АНИҚ БЎЛСИН

**Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Волида Мусаеванинг номи областдагина эмас, республикага машҳур. Ташаббускор чорвадор йилдан йилга яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Яқинда штатсиз мухбиримиз К. Риҳсиев ташаббускор чорвадор билан учрашиб эришилган ютуқлар, режалар, тармоқни юксалтириш резервлари ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

— КОЛХОЗИМИЗ райондагина эмас, балки, областда ҳам чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Чорвадорларимиз ўтган йили пландаги 150 тонна ўрнига 221 тонна гўшт, 1890 тонна ўрнига 2139 тонна сут тайёрлаб, бу борадаги план ва топшириқларни ошириб бажаришга эришдилар. Ҳар бир сигирдан ўртача 3600 килограммдан сут соғиб олинди. Мен бу кўрсаткични 4215 килограммга етказишга муваффақ бўлдим.

Кўпинча «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози чорвадорларига осон, уларнинг фермаси, шароити яхши, деган сўзларни эшитиб қоламан. Дарҳақиқат, фермамиз замонавий бўлиб, асосий иш жараёнлари механизациялаштирилган. Лекин бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Уни чорвадорларимизнинг ўзлари яратдилар. Аввало фермада тартиб-интизомни мустаҳкамладик. Кишиларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини оширдик. Натижада чорвачиликдан олинадиган фойда ортди. Шунинг орқасида мана шундай қулай меҳнат шароити юзага келди.

Чорвачилик — озуқадан бошланади, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Колхозимизда чорва моллари учун етарли миқдорда ем-хашак жамғаришга жиддий эътибор берилди. Мўл озуқа тайёрлаш билан биргаликда уни сифатли сақлашга эришяпмиз.

Айниқса, қиш даврида молларни тўйдириб боқиш катта аҳамиятга эгадир. Фермамизда бўғоз моллар, янги туққан ва соғин сигирлар учун алоҳида-алоҳида рацион белгиланган. Рационда кўрсатилган ем-хашакларнинг молларга тўлиқ берилишини мутахассисларимиз доимо назорат қилиб боришади. Қатъий ҳисоб-китоб асосида иш юритамиз. Бирор килограмм ҳам хашак қайта ишланмасдан молларга едирилмайди. Озуқа цехимизда бир кеча-кундузда 50 тоннадан зиёд ширали озуқа тайёрланяпти. Шу туфайли айни кунларда ҳам, колхоз бўйича ҳар бир сигирдан 12 килограммдан сут соғиб олинаяпти. Мен эса боқимимдаги 24 бош сигирнинг маҳсулдорлигини 14—15 килограммга етказяпман.

Хўш, бунга қандай эришяпман?

## ТАШАББУСКОРЛАР МИНБАРИ

Мен фермага барвақт келаман. Тунда моллар қандай озиқлантирилганлигини текшириб кўраман. Сўнгра сигирларга ем бераман. Соғиш аппаратини сигирнинг елинига қўйишдан олдин, албатта, илиқ сув билан ювиб, массаж қиламан. Агар говмушларимнинг бирортаси безовталанса, уни қўлда соғиб, сўнгра ветврачга кўрсатаман. Соғин тугагач, сигирларни яна бир бор кўздан кечириб чиқаман. Озуқа рационига амал қилинаётганлигини назорат қиламан.

Қайси соҳада бўлмасин ишнинг муваффақияти одамларга, уларнинг кайфиятига, яратиб берилаётган шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу борада ҳам хўжалигимизда бир қатор ишлар қилинган. Яқинда фермамизда икки қаватли «Чорвадорлар уйи» ишга туширилди. Бу ерда дам олиш учун ҳамма нарса муҳайё. Радио, телевизор ишлаб турипти. Газета-журналларнинг янги сонлари келтирилмоқда. Кутубхонадан истаган китобни олиш мумкин. Булардан ташқари гигиена хонаси ва медицина пунктида врачларимиз саломатлигимизни текшириб туришади. Кўчма савдо, маиший хизмат дўконлари белгиланган куни фермага келиб, хизмат кўрсатишмоқда.

Ютуқлар билан биргаликда хўжалигимизда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, озуқа етиштиришни олиб кўрайлик. Колхозимиз ерлари шаҳарга туташ. Шу сабабли турли саноат объектлари ва бошқа зарур бинолар қурилиши ҳисобига суғориладиган ерлар йил сайин камайиб бормоқда. Янги ерлар ўзлаштирилиб, уларнинг ўрнини тўлдиришнинг эса имконияти йўқ. Биз озуқа экинлари учун ажратилган ерлардан самарали фойдаланиб, иложи борича кўпроқ ҳосил олишга ҳаракат қиляпмиз. Лекин барибир хўжалигимиздаги 1392 бош қорамолни йил бўйи тўйдириб боқиш учун анча қийналяпмиз. Назаримда бу масалани чуқурроқ ўйлаб кўриш керак.

Колхозимиз давлатга топширилган ҳар бир тонна сабзавот учун 17 килограммдан омухта ем олади. Бироқ картошка ва мева учун ем берилмайди. Республика Агросаноат давлат комитети бизга бу борада ёрдам бериши зарур. Чунки хўжалигимизда мавжуд қорамоллар учун фақат сабзавот ҳисобига олинаётган ем камлик қилмоқда.

Биз ҳисоблаб чиқдик. Агар ана шу резервлардан тўлиқ фойдалансак, ҳар бош соғин сигирдан кунига олинаётган сутни яна уч килограммдан ошириш мумкин экан. Бу колхозимиз бўйича кунига қўшимча 1800 килограмм сут олинади, деган сўздир.

КПСС XXVII съездида қишлоқдаги зарбдор фронт—чорвачиликни янада ривожлантиришнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди. Биз чорвадорлар съезд қарорларини бажариш учун нима иш қилиш керак бўлса, ҳаммасини амалга оширамиз, гўшт, сут ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирамиз.



## ҚЎЗИЛАР КЎПАЙМОҚДА

**КОММУНИСТИК районидаги «Соҳибкор» совхози чўпонлари бир неча йилдирки, совлиқларни эрта қўзилатиш усулини муваффақиятли қўллаб келмоқдалар. Хўжалик чорвадорлари съездлар йилида ҳам юксак кўрсаткичларга эришиш учун мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқдалар. Чўпонлар ўртасидаги беллашувда совхознинг Қўзибой Тайлибоев етакчилик қилаётган отар қўйчивонлари пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Тажрибали чўпон бу йил ўзига бириктилган 368 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олишга аҳд қилган. Унинг отарида қўзилар сони кун сайин кўпаймоқда. Ҳозиргача 300 бошдан ортиқ қўзи олинди. Суратда: мусобақа пешқадами, тажрибали чўпон Қўзибой Тайлибоев ўз отарида.**

**А. Аҳатов** фотоси.

# ШАХСИЙ КУТУБХОНАЛАР—КЎПЧИЛИККА

КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН

Мамлакатимизда кейинги ўн йилликлар мобайнида юзага келган «китобхонларнинг қудратли ҳаракати» натижасида уларнинг юз минглаб активлари Бутуниттифоқ китобсеварлар кўнгилли жамиятига бирлашдилар. Бу одамларнинг китобга бўлган қизиқиши ва шахсий кутубхона ташкил қилиш принциплари турличадир.

Маълумки, шахсий кутубхоналарнинг қадр-қиммати уларга нисбатан қандай муносабатда бўлинаётгани билан белгиланади. Шу жиҳатдан олганда ўзлари тўплаган китоб бойлигидан бошқаларнинг фойдаланиши учун имконият яратаётганларнинг ташаббуси таҳсинга сазовордир. Аслида оилавий кутубхоналарга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳам ана шу.

Бугунги кунда библиофиллик ҳаракати географияси ҳар қачонгидан ҳам кенгайди. Китоб тўпловчи — библиофил учун, машҳур тадқиқотчи А. А. Сидоров сўзи билан айтганда «учта асосий қувонч воситаси: кўп йиллик изланишлар самараси бўлган топилма ёки кашфиёт севинчи, ўзи учун мазмунан ва шаклан, қоғози-ю безаги-ла ёқувчи китоб билан мулоқотда бўлиш шодлиги, йиғилган бойликни туҳфа қилишдан эришган мамнунлиги» бор.

Китоб хазиналарининг ана шундай ҳузурбахшлигидан областимиздаги кўплаб ихлосмандлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Областимиздаги шахсий кутубхонага эга бўлганлар билан яқиндан танишиш уларнинг маънавий қизиқишлари бой ва кўп қиррали эканлигини яққол кўрсатди. Масалан, тоғ-геология экспедициясининг шофёри А. И. Нармоневни юнон мифологиясига доир китоблар қизиқтирса, 10-мактаб ўқитувчиси М. А. Шойн педагогика бўйича адабиётларни тўплаган, 3-механизациялашган кўчма колоннанинг участка бошлиғи В. В. Этперт эса Улуғ Октябрь революциясидан аввалги нашрларни изчил тўплаб бормоқда.

Тошкент китобсеварлар жамияти жойлардаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда китобларнинг турлича коллекцияларини тўплаш юзасидан астойдил иш олиб бормоқда. Ҳозир областимизда 920 нафар библиофил йиғган китоблардан кўпчилик фойдаланмоқда. Масалан, биргина Янгиобод шаҳрида ҳисобга олинган 30 та шахсий кутубхонада 26 минг нусха китоб бор. В. В. Рудин, В. Н. Фоменко, В. Пикалов каби шахсий кутубхона эгалари энг актив китоб тарқатувчилардир.

Библиофилларнинг шахсий кутубхоналаридан лекциялар ўқишда, суҳбатлар ва конференциялар ўтказишда, китоб кўргазмалари ташкил қилишда ҳам фойдаланилмоқда. Китоб эгалари оммавий кутубхоналар билан бажонидил ҳамкорлик қилмоқдалар. Маҳаллий кутубхоналар фондида топилмайдиган китобларни вақтинчалик фойдаланиш учун ўз коллекцияларидан бериб турувчи Ангрен шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси Ю. Ф. Шойхет, юк ташиш-транспорт бошқармаси партқомининг секретари В. Е. Гурьева ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ангрен шаҳрида фондсиз жамоат кутубхоналари ташкил этган ўқитувчилардан Ю. Н. Маренина, Е. А. Никитина, С. М. Каракеян, Э. Р. Султоноваларнинг ташаббуслари ҳар қанча оммалаштирилса арзийди. Шаҳардаги керамика комбинатида шахсий кутубхоналардан умумий каталог тузилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Олмалиқдаги шахсий кутубхоналар ҳам кўпчиликка хизмат қилаётганлигини алоҳида айтиш мумкин. Шаҳарда ташкил қилинган «Эврика» клубининг аъзолари тўплаган китоб фондларидан, кенг китобхонлар оммаси доимий фойдаланмоқда.

Ўтган йилнинг май ойида Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланаётган бир пайтда, бутун мамлакатимиз қатори пойтахт областининг барча шаҳар ва районларида ҳам ветеранлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ана шундай учрашувларни қизиқарли ва таъсирчан қилиб ўтказиш мақсадида шаҳардаги библиофиллар тўплаган коллекциялардан кўчма кўргазмалар ташкил этилди, бунда шахсий кутубхоналар жуда қўл келди.

Областда китобларни кутубхоналарга, зарбдор қурилишларга, болалар уйларига, мактабларга ва бошқа муассасаларга тақдим қилишдек хайрли анъана ҳам оммалашиб бормоқда. Жумладан, Ангрендаги Е. Н. Анциферова, Н. И. Варварский, П. Г. Штабель, Чирчиқ шаҳридаги А. А. Дубровин, Х. Р. Продан, И. Б. Перцигером ва бошқа китобсеварлар ўзлари тўплаган китобларнинг бир қисмини кутубхоналарга ҳадя этдилар.

Тажриба алмашиш ва ишнинг самаралироқ усулларини пропаганда қилиш мақсадида область китобсеварлар жамияти ўзининг шаҳар ва районлардаги ташкилотлари ёрдамида библиофилларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларини уюштирмоқда, тўпланган тажрибалар алмашилмоқда. Бу эса шахсий кутубхоналарни кўпайтириш ишига хизмат қилмоқда.

Тўпланаётган тажрибаларни умумлаштириш, оммалаштириш мақсадида баъзи ташкилий тадбирлар ўтказиляпти, ана шундай йиғинларда областнинг турли шаҳар ва районларида яшовчи китобсеварлар, шахсий кутубхона эгалари бир-бирлари билан яқиндан танишмоқдалар. Масалан, ўтган беш йил мобайнида китобсеварларнинг уч марта область слёти ўтказилди. Олмалиқ шаҳридаги «Химик» маданият саройида эса яқинда уюштирилган учрашувга 200 дан ошиқ библиофил тўпланди.

Бундай слёт ва учрашувларда китобсеварлар китобларнинг ҳаётимизда тутган ўрнини юксак қадрлаш билан бирга шахсий кутубхона ташкил этиш принциплари ва усуллари ҳақида, китобсеварлар жамиятининг шахсий кутубхона эгалари билан қандай ишлаётгани ҳақида фикр-мулоҳаза юритадилар, тажриба алмашадилар.

Олмалиқлик китобсевар Слупконинг шахсий кутубхонаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардик. У йиллар давомида жуда ноёб китоблар тўплаган. Бунинг ўзига хос тарихи бор: кутубхона фондида биринчи рус революцияси даврида нашр этилган китоблар йиғмаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ватан тарихига бўлган қизиқиш кутубхона эгасида ёшлик йилларидаёқ пайдо бўлган эди. У тарихни ўрганиш билан бирга унга доир адабиётларни тўплай бошлаган. Энди Слупконинг меҳмондўст уйини Олмалиқда яшовчи кўпчилик билади. Икки хонали бу мўъжазгина квартирада мактаб ўқувчилари, студентлар, ишчиларни учратиш мумкин. Бағри кенг бу оила бошлиғи китобни севувчи барча одамларни доим очиқ чеҳра билан қарши олади. Оила кутубхонасида сақланаётган «Правда», «Вперёд» газеталарининг мамлакатимизда бармоқ билан санарли даражада қолган дастлабки факсимил сонлари ҳам сақланмоқда. Бу шахсий кутубхона ташкил этилган кўргазманинг анчагина қисмини рус революцияси даврида чиққан журналлар, варақалар ва бошқа нашрлар ташкил қилади. Улуғ Ватан уруши йилларидаги босма нашрлар, Ульяновлар оиласи тўғрисидаги, Ўзбекистон ҳақидаги китоблар ва бошқа кўпгина брошюралар, газеталар оила кутубхонасида ҳам авайлаб асралмоқда.

Хуллас, ташаббускор китобсеварлар давлат кутубхоналари билан ҳамкорликда, уларнинг ёрдамида одамларда эстетик тарбияни шакллантириш, фикрий доирани кенгайтириш, китобга бўлган қизиқишни ошириш ишларига катта ҳисса қўшмоқдалар. Буюк рус адиби К. Паустовскийнинг «Энди биз ҳаётни, курашни, дардни, қувончни, ғалабани, юксак тараққиётга бўлган чексиз ишончимизни ва гўзал келажакни китобсиз тасаввур эта олмай қолдик» деган сўзлари ана шундай жамоатчи китобсеварлар, шахсий кутубхона эгалари фаолиятида ҳам яққол ифода этилмоқда.

**К. ҚАМБАРОВА,**
**китобсеварлар жамияти Тошкент область ташкилоти раисининг ўринбосари.**

**Ф. РОЖИНСКАЯ,**
**тарих фанлари кандидати.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

**Чет эл матбуоти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди якунларини кенг шарҳлаб, мамлакатимиз коммунистларининг анжуманини жаҳон аҳамиятига молик воқеа деб таърифламоқда. КПССнинг ушбу съезди Ленин партияси, бутун совет халқининг ҳаётида тарихий босқичдир, деб таъкидлашмоқда газеталар. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашнинг қабул қилинган ва тасдиқланган бош йўли — совет коммунистлари анжуманининг бош сиёсий якунидир.**

XXVII съезд тарихга замонамизнинг энг муҳим воқеаси сифатида киради, деб ёзди Чехословакияда чиқадиган **«Свободне слово»** газетаси. Совет коммунистлари ва совет халқи учун бу анжуман совет жамиятини янада ривожлантиришда, барча халқлар учун эса тинчлик учун курашни кучайтиришда муҳим омил бўлади. Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетаси, съезд белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш фақат СССР учун аҳамиятга молик бўлиб қолмасдан, балки катта халқаро аҳамиятга ҳам эга бўлишини таъкидлаб, совет коммунистларининг анжумани қабул қилган қарорлар социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини бундан буён ҳам қарор топтиравериш, социализм ғояларининг жозибадор кучини яна ҳам оширишга, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деб ёзди.

Японияда чиқадиган **«Санкэй симбун»** газетасининг Москвадаги мухбири съезд якунларини «Жадаллаштириш стратегияси» деб таърифлади. Совет раҳбарларининг истиқболдаги асосий мақсади, деб таъкидлади мухбир, съездда эълон қилинганидек, ички сиёсат соҳасида 2000 йилга қадар миллий даромадни икки баравар ошириш планини бажаришдан, ташқи сиёсат соҳасида эса, уч босқичда ядро қуролларини тугатиш программасини адо этишдан иборатдир.

Лондонда чиқадиган **«Морнинг стар»** газетасининг таъкидлашича «КПСС XXVII съезди олға қараб зафарли юришда бир вақтнинг ўзида ҳам бурилиш нуқтаси, ҳам старт майдони бўлдики, съезд делегатларининг ва дўстона чет эл делегацияларининг бу хусусдаги фикри якдилдир.

Матбуот «Вега-1» ва «Вега-2» совет автоматик станциялари ёрдамида Галлей кометасини комплекс тарзда кўп мақсадларда ўрганиш программаси тўла бажарилганлигини хабар қилмоқда. Маълумки бу программани «Венера—Галлей кометаси» халқаро лойиҳаси қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари ишлаб чиққан эдилар. Ушбу муваффақият жаҳон фанига қўшилган салмоқли ҳисса деб баҳоланмоқда. Бу муваффақият космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштирмоқ учун турли давлатларнинг куч-ғайратлари бирлаштирилганида очиладиган реал имкониятлар ва кенг истиқболни намойиш этди. Кўпгина мамлакатларнинг газеталари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССР, Украина ССР ва Белоруссия ССР доимий ваколатхоналари дипломатик ходимларининг 40 процент қисқартирилишини беорларча талаб этган Вашингтон маъмуриятининг қонунсиз хатти-ҳаракатини қораламоқдалар. АҚШ ана шундай хатти-ҳаракатлар қилиб БМТ сиёсатини ўзгартиришга уринмоқда, деб таъкидламоқда газеталар. АҚШ ана шундай хатти-ҳаракатлар қилиб БМТ фаолиятига расмий Вашингтон учун фойдали бўлган йўналиш беришга уринмоқда, ўзининг халқаро мажбуриятларини тўғридан тўғри бузмоқда, БМТ атрофида ана шу энг нуфузли халқаро ташкилотнинг ишини қийинлаштирадиган вазиятни авж олдирмоқда. Англияда чиқадиган **«Дейли мейл»** газетаси ўзининг редакцион мақоласида Вашингтоннинг бу хабарини иғвогарона қарор, деб атади. «Биз бу ерда—Европада, Атлантика океанининг ўзимиз томонида туриб, деб ёзади газета, президент Рейганга унинг тактикаси қалтис ва масъулиятсиз тактика эканлигини айтишимиз лозим. Тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган жараён билан шу тарзда ўйнашиб бўлмайди».

Японияда чиқадиган **«Асахи»** газетаси ядровий ва космик қуроллар юзасидан Совет — Америка музокараларининг тўртинчи даврасияи якунларига тўхталиб қуйидагиларни ёзди: «Кескинликни юмшатиш, ядро қуролларини тўла тугатиш сари янги қадамни тасдиқлаган Женева руҳининг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди».

(ТАСС, 10 март).

## НОРОЗИЛИК НОТАСИ

КОБУЛ, 10 март. (ТАСС). БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Буюк Британиянинг АДРдаги муваққат ишлар вакили Афғонистон ташқи ишлар министрлигига чақирилиб, унга норозилик нотаси топширилди.

Норозилик нотасида Британия ташқи ишлар министрлигининг таклифига мувофиқ мазкур мамлакатда афғон аксилинқилобчилари бошлиқларидан бири Абдулҳақ мазкур мамлакатда бўлганлиги муносабати билан норозилик билдирилади. Бу жиноятчи 3 март куни ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари давлат министри Леди Янг хоним билан учрашди, дейилади АДР ташқи ишлар министрлигининг нотасида.

Англия министри Абдулҳақнинг Афғонистондаги ички сиёсий аҳволга доир уйдирма-бўҳтондан иборат фикрини тинглабгина қолмай, шу билан бирга ўз мамлакати ҳукумати номидан у қўллаб-қувватланажагини изҳор қилди. Шу тариқа Буюк Британия расмий доиралари қонхўр қотил билан ошкора бирдамлик билдирдилар. Абдулҳақнинг эътироф қилишича Кобул халқаро аэропортини портлатиб аҳоли пунктларини ракетадан ўққа тутган. Натижада кўпдан-кўп бегуноҳ одамлар, шу жумладан аёллар, болалар ва қариялар қурбон бўлганлар.

Буюк Британия расмий доираларининг революцион Афғонистонга нисбатан бундай хатти-ҳаракатлари АДРнинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашиш, халқаро ҳуқуқнинг барча нормаларини қўпол равишда бузиш деб баҳоланмоқда.



**● Буюк Британиянинг «Обсервер» газетасининг ёзишича, Ольстер бу шунчаки вилоят эмас, XX асрнинг уруш энг узоқ давом этаётган районидир. Сиз суратда кўриб турган бу бола минглаб тенгдошлари каби тинч ҳаёт нима эканлигини билмайди. Отишмалар, портлатишларни кўрганда қалби ларзага келади.**

ТАСС фотохроникаси.

## ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА

● **БЕРЛИН.** ГДРнинг халқ университетларида машғулотларнинг навбатдаги семестри бошланди. Таълимнинг бундай формаси республика аҳолиси ўртасида тобора кўпроқ оммалашмоқда. Тингловчилар тажрибали педагоглар ва мутахассислар раҳбарлигида кундалик турмушда фойдали бўлган хилма-хил малака орттиришлари мумкин. Бу ерда ўқитилаётган дарслар мавзуи кенг. Автомобилни ўрганиш ва жонажон ўлка тарихи, микроэлектроника ва математика, табиий фанлар ва чет тиллар шулар жумласидандир. Жамоатчилик асосида халқ университетлари билан ҳамкорлик қилаётган ўн минглаб мутахассислар муаллимларга катта ёрдам бермоқдалар. 1946 йилдан буён мавжуд бўлган таълимнинг шундай формасидан фойдаланиш мобайнида ГДРнинг 11 миллиондан кўпроқ граждани халқ университетининг дипломини олди.

(ТАСС).

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **СОФИЯ**

Болгариянинг Севлиево шаҳридаги кабель ва ўтказгичлар илмий тадқиқот институтида нур сигнали ёрдамида ахборот етказа оладиган дастлабки Ватан оптик кабеллари яратилди. Болгар мутахассисларининг фикрича, бундай кабеллар ва нур ўтказгичлар ҳисоблаш, микропроцессор, телевизион техникада жуда кенг қўлланилади. Улар туфайли турли материаллар, аввало қимматли металларни анча тежашга эришилади.

□ **ЛИССАБОН**

**Португалия Президенти Соареш бу ерга келган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. П. Орловни 9 март куни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида у КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кейинги вақтда ўртага қўйган муҳим ва жиддий таклифлар Португалияда зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқилаётганлигини айтди.**

**Ҳар икки томон халқаро кескинликни юмшатишни ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида турли соҳаларда Совет—Португалия муносабатларини янада ривожлантиришга интилиш муддаоси изҳор қилинди.**

● **БУДАПЕШТ**

Ленинварошдаги Тиса химия комбинатининг меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор меҳнат ҳафталигини муваффақиятли тугалладилар. Улар советлар мамлакати коммунистлари олий анжуманининг иш кунларини меҳнатда юксак муваффақиятлар билан нишонлашга қарор берган эдилар. Ленинварош химиклари съездолди зарбдор вахтасида туриб, ўтган етти кун ичида Совет Иттифоқидаги шерикларига қўшимча равишда 1045 тонна этилен, 1260 тонна бўёқ, 6000 тоннадан кўпроқ ҳар хил химиявий ўғит етказиб бериб, бунда меҳнат унумдорлиги рекорд кўрсаткичларига эришдилар.

(ТАСС).

# ТАЪМИНОТ ЭҲТИЁЖГА ЯРАШАМИ?

КЎПГИНА соҳаларда бўлганидек, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳам тартибсизлик, ўғирлик, қаллоблик, давлат ва план интизомини бузиш каби ярамас иллатларга йўл қўйилаётганлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида жиддий танқид қилинган эди. Бироқ орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали бу тармоқда жиддий ўзгаришлар юз бергани йўқ. Камчилик ва нуқсонлар сустлик билан бартараф этилмоқда.

Савдо-сотиқни ташкил этиш, умуман бу соҳадаги хизмат маданиятининг ҳозирги савияси бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги Ўзбекистон Компартияси XXI съездида ҳам таъкидланди. Область савдо инспекцияси томонидан ўтказилаётган қатор рейдлар ва текширувлар натижалари ҳам шундан далолат бермоқда.

Область савдо инспекцияси ходимлари областимиз территориясида жойлашган ишчилар таъминоти бўлимларининг 270 дан зиёд савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини текширувдан ўтказдилар. Натижалар шуни кўрсатдики, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини тубдан ўзгартириш, хизмат маданиятини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар жуда қониқарсиз. Айниқса, ишчилар таъминоти бўлимларига қарашли кўпгина корхоналар ўз ишларини сустлик билан қайта қурмоқдалар. Бу хил савдо тармоқларининг кўпчилиги ноқулай биноларда жойлашган, иссиқ ва совуқ сув, идиш-товоқ ва ошхона асбоблари билан таъминланмаган. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи сотувчилар, таом тайёрловчи ва тарқатувчи пазандалар медицина кўригидан вақтида ўтишмайди, бунинг устига иш жойларида санитария қоидаларига амал қилишмайди. Харидор ва хўрандаларни турли йўл билан алдаш, талаб катта бўлган ноёб молларни яшириб қўйиб, оширилган нархда сотиш каби ярамас иллатлар ҳамон давом этиб келмоқда.

Текширув давомида 153 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш қоидалари ана шундай йўллар билан бузилаётганлиги аниқланди. Торозидан уриб қолиш, ортиқча ҳақ олиш айниқса кўп учрайди. «Ташводстрой»нинг Ш. Кикинадзе бошчилик қилаётган ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 30 та савдо ва умумий овқатланиш корхонасидан 23 тасида юлғичлик, ўғирлик фактлари маълум бўлди.

## Ишчи таъминотлари бўлимлари қандай хизмат кўрсатмоқда

Мана, бир мисол. 6-магазин мудири Х. Шокиров инспекция ходимлари контроль харид ўтказган пайтда харидорга 4—5 хилдаги жами 6 сўм 45 тийинлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб, 59 тийин ортиқча ҳақ олган. Магазин омборлари кўздан кечирилганда жами 2132 сўм 40 тийинлик ноёб моллар яшириб қўйилгани аниқланди.

Иккинчи механизациялашган кўчма колоннадаги магазинда савдо қоидаларига мутлақо риоя қилинмайди. Ўндан зиёд маҳсулотнинг нархи ва магазиннинг иш режими ёзиб қўйилмаган. Шикоят ва таклифлар дафтари, сотувчиларнинг медицина дафтарчалари умуман йўқ. Торози тошларининг бирортасига давлат муҳри босилмаган. Совутиш камераси йўқлиги сабабли гўшт ва бошқа тез бузиладиган маҳсулотлар ерда сақланади. Сотувчи М. Ансупова 90 тийинлик печеньени 1 сўм 4 тийиндан пуллаётганида қўлга тушди.

Шу ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 10-, 24-магазин ва 3-механизациялашган кўчма колоннадаги ошхонада ҳам савдо хизмати қоидалари мунтазам бузиб келинмоқда. Текширув ўтказилган пайтда 4-ва 9-магазинлар номаълум сабаблар билан умуман берк бўлган. Бўлим раҳбарлари эса тартиб ўрнатиш, қатъий чоралар кўриш ўрнига область савдо инспекцияси қарорини бажаришни турли баҳоналар билан чўзиб келдилар. Ҳатто, расмиятчилик учун ёзилган хат билан қутулмоқчи бўлдилар. Масалан, 6-магазин мудири Х. Шокиров ишдаги жиддий хатолари учун буйруқ билан вазифасидан бўшатилганлиги ҳақида инспекцияга хабар қилинган эди. Бироқ, қайта текширув ўтказилганда Х. Шокировнинг шу магазиннинг ўзида ҳамон мудир бўлиб ишлаётгани маълум бўлди.

«Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилар таъминоти бўлими магазин ва ошхоналарида ҳам савдо қоидалари бузилмоқда. А. Михалкина мудирлик қилаётган 15-магазинда газмоллар столдаги кертма белгига ўлчаб сотилаяпти. Сабаби — махсус ўлчов асбоби йўқ. Харидорга берилган 6 метрли газмол қайта ўлчаб кўрилганда 5 метр 88 сантиметр чиқди. Магазин омборида савдога чиқарилмаган моллар кўп.

«Главсредазирсовхозстрой»нинг бинокорлик материаллари саноати бошқармаси ишчилар таъминоти бўлимининг биринчи ошхонасида тайёрланаётган таомлар ҳам сифатсиз, масаллиқлар нормадагидан анча кам солинади. Бунинг устига бош ошпаз Мирзаева таом тарқатиш пайтида харидорлардан ортиқча ҳақ олаяпти.

Областдаги бир қатор ишчилар таъминоти бўлимларига қарашли магазин ва ошхоналарда бундай юлғичликнинг давом этаётганлиги ана шу тармоқларнинг бошлиқлари қатъий назорат ва тартиб ўрнатиш ўрнига баъзан ўзлари ҳам юлғичларга шерик бўлаётганликлари оқибатидир. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида савдо-сотиқ ишларини уюштириш ва унинг маданияти кишиларнинг бугунги талаб-эҳтиёжлари ва имкониятларидан ҳали анча орқада эканлиги, кўрилаётган қатъий чораларга қарамай, харидор ва мижозларнинг ҳақига хиёнат қилиш, алдаш, харидоргир молларни яшириб қўйиб, ортиқча нархда сотиш, растрата қилиш, ўғирлаш ва бошқа кўзбўямачиликлар камаймаётганлиги кўрсатилди. Буни эса жанговар кўрсатма сифатида қабул қилмоғимиз, шунга яраша иш тутмоғимиз лозим.

Савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида давом этиб келаётган ярамас иллатларга қарши курашни янада кучайтириш, бу хизмат соҳасига нолойиқ кишиларни қатъийлик билан четлатиш зарур.

**И. МАСАЛИЕВ,**
**область савдо инспекциясининг катта инспектори.**

